

**ШНҚ 2.07.01-03\* «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли  
пунктлари ҳудудини ривожлантиришни ва қурилишини  
режалаштириш» га 2-сон ўзгартириш**

1. 166-бандга келтирилган изоҳ қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Велосипед йўллари қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган йўллар бўйлаб участкаларда, транспорт интенсивлиги кунига камида 4 000 га етадиган ҳамда дастлабки беш йилида велосипед ёки мопедларнинг интенсивлиги бир йўналишда 200 велосипед (мопед) га ва 30 минут ичида энг кўп трафик билан ёки кунига 1 000 бирликка етиши мумкин бўлган йўл қисмларида лойиҳалаштирилиши керак.

Батафсил режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли турар жойлари ҳудуди қурилиши лойиҳалари ва йўл қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, велосипед ва югуриш йўлакларини, шунингдек, бадминтон, стритбол ва мини-футбол майдончаларини ташкил этишни ҳамда йўналишлари бўйича йўл белгилари билан таъминланиши ва ўрнатилиши ҳисобга олган ҳолда мажбурий тартибда кўзда тутиш лозим”.